

Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу — замон талаби, ислохотларимиз талаби.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 4 - may, chorshanba \* № 8 (1122) \* 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan \* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \* www.uzhurriyat.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни ти- зимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, маф- куравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарвар- лик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшай- диган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эъти- бор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда гоёвий-мафкуравий ку- рашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт гоёлар таъсирга берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳара- катларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳ- дид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали кура- шиш, жамиятда мафкуравий иммунитетини мустаҳкам- лаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борада- ги фаолиятига яқиндан қўмақлашиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Республика Маънавият ва маъри- фат кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенга- ши деб юритилади) фаолиятининг асосий йўналиш- лари этиб белгилансин:

аҳоли ўртасида **фаол фуқаролик позициясини** шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган **демократик тамойиллар- ни** қарор топтириш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохот- ларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг **мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самара- ли** етказиш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жа- моаларида **ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга** қаратилган фаолиятда иш- тирок этиш, “маҳалла – туман – вилоят – респуб- лика” принципи асосида ҳудудлар кесимидagi **ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шаклланти- риш**, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуника- ция технологияларини кенг жорий этиш;

“Жаҳолатга қарши маърифат” гоёси **асосида жа- миятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари**, таъсирчан, креатив ва **инновацион услубларини ишлаб чиқиш**;

тинчлик ва оқилолликка, мамлакатимизнинг бар- қарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик гоёларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши **самарали тарғибот ишларини олиб бориш**;

аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида **бунёдкор- лик гоёларини** кучайтириш, **диний баргиреклиги ва миллатлараро тотувлик** муҳитини янада мустаҳ- камлаш.

2. Ўзбекистон Республикасида маънавий-маъри- фий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳоли- нинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юк- салтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкам- лашга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўрин- ларда – Чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенга- шининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кен- геси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари – Қорақалпоғистон Республи- каси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (ша- ҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгашлари (кейин- ги ўринларда – ҳудудий кенгашлар) раислари **ун кун муддатда** ҳудудий кенгашлар таркибини қайта тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Республика кенгашининг йиғилиши **бир йилда бир марта** Республика кенгаши раиси, бошқа вақт- ларда эса заруратга қараб Республика кенгаши раи- сининг ўринбосарлари томонидан ўтказилади; ҳудудий кенгашларнинг йиғилишлари ҳудудий кен- гашлар раислари томонидан **ҳар ярим йилда бир марта** ўтказилади;

Республика Маънавият ва маърифат маркази (ке- йинги ўринларда – Марказ) Республика кенгашининг, унинг ҳудудий бўлим ва бўлимчалари тегишли ҳуду- дий кенгашларнинг **ишчи органлари ҳисоблана- ди**.

6. Марказ: а) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва- зирлиги, Халқ таълими вазирилик, Олий ва ўрта мах- сус таълим вазирилик, Соғлиқни сақлаш вазирилик ва “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан бир- галикда **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тут- ган ҳолда, **Узлуксиз маънавий тарбия концепция- си** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамаси- га киритсин;

маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асослан- ган индикаторлари;

бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва за- монавий педагогиканинг илгор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари;

## Кеча 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.



Сирожддин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири.

### “ОЛТИН ҚАЛАМ” МАНЗУМАСИ

Ҳаёт мангу этар давом,  
Сўнмағай ҳеч меҳру қарам.  
Брунликка шор бўлган,  
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Халқу Ватан, халқу Ватан,  
Олтин даштим, олтин далам.  
Сен элга дастийёр бўлган,  
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Тошқин солсин ҳар бир суҳан,  
Мисли ёмғир, селу жалам.  
Дилларга навбахор бўлган,  
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Ватан — дуоғўйим онам,  
Ватан — бешикдаги болам.  
Номус бўлган, сен ор бўлган,  
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Гоҳи титраб кетар дунё,  
Гоҳи қалқиб турар олам.  
Сен озоҳ бўл, ҳушёр бўлган,  
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Рўйи замин, рўйи замин,  
Унсин доим гулу лолам.  
Эзуликка сен ёр бўлган,  
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Она юртим, она юртим,  
Олтин кўёш, олтин далам.  
Сен нури ифтихор бўлган,  
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

## Юксак меҳр билан йўғрилган мукофот

Ўзбек миллий журналистикаси астойдил ривож- ланиш палласига қадам қўйди ва унинг ташлаёт- ган бугунги кенг одимлари дадил ва самарали бўлаётир. Бу нафақат, мамлакатимиз жамоатчили- гининг, балки халқаро экспертларнинг ҳам фик- ридир. Бундай ютуқларга эришиш осон кечгани ва кечаётгани йўқ.

Эсингиздами, Халқаро пресс-клуб ташкил этилган- да айримлар ажабланган эди: “Зарурат бормикан?..” Маълум бўлдики, жуда бор экан. Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳоз- ланган клубга “меҳмонга кел- ган” депутатлар, сенатор- лар, вазирлар, дипломат- лар, раислар, директорлар, судьялар, прокурорлар,

ҳокимларнинг журналистлар билан бевосита ва очик му- лоқотларини кўриб, бу бо- радаги барча шубҳа-гумон- лар тезда тарқаб кетди. Пресс-клубнинг ташкил эти- лиши оқилона иш бўлгани яна бир бор ўз тасдиғини топди. Тўғри, дастлабки пайтларда очик мулоқот чо- гида икки томон ўртасида тортинчоқликка, ўзбекона

истехолага ўхшаш аломат- лар сезилди.

Бу — журналистлар бевоси- та савол беришга, раҳ- барлар эса жавоб қайтариш- га кўникамайдан. Биз, ҳам- мамиз, эркинлик, очиклик- ошкоралик, демократия, халққа яқин бўлиш, эл-ул- сининг дарди билан яшаш де- ган буюк тамойилларга амал қилиб ишлаш, яшаш бурчи- миз, вазифамиз эканига энди кўника бошладик. Бу бир кун, бир йил, ўн йил эмас, муттасил давом эта- диган жараёндр. Бу хайр- ли жараёнга фаол ҳисса қўшиб келаётган Халқаро пресс-клуб жамоасининг бу- гун, орадан қарийб икки ярим йил ўтгач, «Олтин

қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловда Бош мукофотга сазовор бўлгани адолатли ишдир. Зеро, клуб- нинг демократик ислохотлар- ни янада чуқурлаштириш, фу- қаролик жамиятини шаклланти- риш йўлида республика- мизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалар- да амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги дол- зарб воқеалар муҳокамалари- га бағишланган сессиялари бугун барчанинг эътиборини қозongan.

Ўтган вақт мобайнида клубдаги суҳбатлар орқали қанчадан-қанча оламшумул янгиликлар, жадал ислохот-

лар бераётган юксак самара- лару, халқимиз учун яратила- ётган кенг имкониятлар, ҳақ- ҳуқуқларимиздан хабар топ- диқ. Адолатнинг тикланиши- га, ҳатто кўздан пананда бўлган айрим “сирлар”нинг очирилишига гувоҳ бўлдиқ. Од- дий мисол, “JM-Uzbekistan”да ишлаб чиқарилаётган энгил автомобилларнинг ҳар бири- га харидор қўллага етиб бор- гунича камда 10 литр бен- зин қуйилиши шартлигини “билмас” эдик. Буни билма- ганимиз майли, ўша пайтда хийла камёб, ҳозир гоёт се- роб товарага айланган, маши- нага етказганига шўқ қилиб, ҳатто “шапқасини бериб” олиб кетаверардик.

### Журналистика соҳасида Бош Миллий мукофот Халқаро пресс-клуб раҳбари - Шерзод ҚУДРАТХҲҲАЕВ:



### “Матбуот эркин бўлмаса, у журналистика эмас”

— Эркинлик яхши, инсонни ривожлантиради, жамиятни ривожлантиради. Эркинликсиз ижод бўлмайди. У муаммоларни юзага олиб чиқишга ёрдам беради. Бугун ушбу юксак мукофотнинг Халқаро пресс-клубга топширилиши журналистика- нинг чин маънодаги эркинлигидан далолатдир. Пресс-клубда цензура йўқ, таъқиқланган мавзулар йўқ барчаси — очик-ойдин. Бу эса албатта, охириги икки ярим йил давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган катта сиёсий курснинг самараси деб биламан. Чунки эркин матбуот мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг муҳим қисmidир. Бу мукофотнинг клубимизга топширилиши эса бизнинг тўғри йўлда эканимизни, бажараётган ишларимиз тўғри эканидан яна бир далолатдир. Француз ёзувчиси, Нобел мукофоти соҳибиди

Альбер Камю таърифига кўра, “эркин матбуот яхши ёки ёмон бўлиши мумкин, ammo эркин бўлма- ган матбуот фақатгина ёмондир”. Ёзувчининг ушбу фикрига қўшилмайман. Чунки эркин матбуотдан бошқача матбуот бўлиши мумкин эмас. Матбуот эркин бўлмас экан, унинг умуман журналистикага алоқаси йўқ.

Халқаро пресс-клубда биз айнан шундай эркин журналистикани яратмоқдамиз. У журналистлар ва ҳукумат, парламент, бошқа ҳокимият органла- ри ўртасидаги интерактив мулоқот майдонига айланган. Пресс-клуб сессияларига келган раҳбарлар, журналистлар ва томошабинлар ҳеч қандай чекловларсиз, ўз фикрини билдириши мумкин. Ҳар ҳолда, биз уларни шунга чақирмоқ- дамиз. Уларнинг сўз эркинлиги фақатгина ўзла- рининг ички цензуралари билан чегараланиши мумкин, холос. Юртимиздаги барча журналист- ларга қарата айтмоқчиманки, эркин, довурак, жасур бўлиш керак! Ҳозир жамият биздан айнан шу дадилликни кутмоқда!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизмлари;

тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни назарда тутувчи узлуксиз маънавий тарбия тизими; маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомиладорлик давридан бошланиши ва тарбиянинг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятлари;

маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиши ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши;

б) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда **икки ой мuddатда** қуйидагиларни назарда тутиб, **Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Республика кенгашига киритсин;

худоулардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини ҳонадонма-ҳонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш шакллари;

таҳлил натижаларини **"Маҳалла – туман – вилоят – республика" принципи асосида** худоулар кесимидаги **ижтимоий-маънавий муҳит харитасида** акс эттириш тартиби;

ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишга доир тавсиялар; аҳолининг мафқуравий имунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизми;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой мuddатда Марказнинг худудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини Марказ хузуридаги **"Маънавият тарғиботчиси" таълим муассасасида** тизимли равишда ўқитиш амалиётини жорий этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясига: **"Madaniyat va ma'rifot"** телеканалини **Марказ, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича** Республика кенгашининг бош ахборот хамкори **этиб белгилаш;**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафқуравий имунитетини мустаҳкамлашга, барқамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, курсатувлар, публицистик чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил қилиш тавсия этилсин.

8. Марказ, Ўзбекистон Езувчилар уюмисига ва Журналистлар ижодий уюшмасининг маънавий-маърифий ишларни амалга оширишдаги, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топширилган **"Маънавият фидойиси" кўрак нишонини** таъсис этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Марказ мафқурадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** **"Маънавият фидойиси" кўрак нишонини** таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Марказ хузурида **"Маърифат" тарғиботчилар жамияти** нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига **"Маърифат" тарғиботчилар жамияти** фаолиятини **давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш** тавсия этилсин.

10. Белгилансинки, **2019 йил 1 июндан** ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари **1,7 баравар қўпайтирилган** миқдорда қўлланилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказ, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган раҳбарлари ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳолиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Ариповга – Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Махмудовага – Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши, кейинги йиллар учун назарда тутилган чора-тадбирлар дастурлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишлигининг ташкил этилиши;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари – Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган вазифалар ижросининг тўғри ташкил этилиши ҳамда тадбирларнинг мuddатида ва тўлиқ бажарилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

14. Марказ мафқурадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Маъқур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2019 йил 3 май

# Сўзи холис журналистнинг пойгада ўзар оти,

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

### I. ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

**Халқаро пресс-клуб**  
**Раҳбар: Шерзодхон Қудратхўжаев** — Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида республикада сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мамлакат ва жамият ҳаётидаги долзарб воқеалар муҳокамаларига бағишланган сессиялари учун

**«O'zbekiston 24» телерадиоканали жамоаси**  
**Директор: Мамадани Сафаров** — Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати, жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни, мамлакатда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" мақсад-вазифалари ижроси доирасида олиб борилган кенг қамровли сўз-харакатларни тезкор ва таҳлилий ёритиб келаётгани учун

### II. АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР

#### Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин — **«Mening yurtim» телеканалнинг «Марказий студия» ахборот-таҳлилий кўрсатуви Муаллиф ва бошловчилар: Сарвар Баҳодиров, Амирхон Пўлатов** — Мамлакатда инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар тезкор ва таҳлилий ёритилган кўрсатувлари учун

2-ўрин — **«O'zbekiston» телеканалнинг «Муносабат» кўрсатуви Муаллифлар: Қуддус Аъзамов, Нурали Орипов**. — Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини ривожлантиришга қаратилган кўрсатувлар учун

3-ўрин — **Қорақалпоғистон телерадиокорпорацияси «Хабарлар» инфоромацион дастури ижодий жамоаси Гурӯҳ раҳбари: Венера Сариева** — Қорақалпоғистон Республикаси ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар мақсад-вазифалари ва самаралари, юз бераётган воқеа-ҳодисалардан аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот дастурлари учун

#### Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин — **Камолова Наргиза «Yoshlar» телерадиоканали бош муҳаррири** — Ёшларга қаратилган давлат сиёсати моҳияти кенг ёритилган, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган эшиттиришлари учун

2-ўрин — **Игамбердиев Аваз «Рухсор FM» радиоси бош муҳаррири** — Республикада ҳаётга таъбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий давлат дастурларининг амалий ифодаси, аҳоли фаровонлигида тугган ўрни ҳақидаги туркум материаллари учун

3-ўрин — **Ўктамова Феруза Навоий вилоят телерадиокорпорацияси 1-тоифали муҳаррири** — Юртимизда кечаётган янгиланишлар жараёнида аҳоли фаолиятини ошириш, томора маданиятини юксалтириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга оид туркум эшиттиришлари учун

#### Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):

**2 та биринчи ўрин (1-ўринга берилмаган мукофот иккига бўлинади)**

1-ўрин — **Мелибоев Аҳмадхон «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири** — Маънавий-маърифий соҳадаги улкан ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар таҳлилига бағишланган публицистик мақолалари, замонамиз қаҳрамонлари образини яратишдаги фаол иштироки учун

1-ўрин — **«Ишонч» ва «Ишонч-доверие» газеталари таҳририяти Бош муҳаррир: Хусан Эрматов** — Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг мамлакат ҳаётидаги ўрни, ташкилотнинг аҳоли билан мулоқотлари, уларнинг муаммолари ечимини топиш, ишчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган фаолияти кенг ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

2-ўрин — **«Китоб дунёси» газетаси таҳририяти Бош муҳаррир: Хосият Рустамова** — Даврнинг ижтимоий, маънавий-маърифий масалалари, китобхонлик маданияти, мамлакат маданий ҳаётини таҳлилий ёритишга бағишланган туркум материаллари учун

3-ўрин — **Мороз Юлиана «Правда Востока» газетаси муҳбири** Мамлакатдаги янгиланишлар жараёни таҳлилий ёритилган материаллари учун

#### Энг яхши журналистик материал учун (интернет-журналистика):

1-ўрин — **Султонова Барно haba.uz сайти шарҳловчиси** — Ижтимоий-маънавий мавзулардаги материаллари учун

2-ўрин — **Бегниязова Кумар Kar24.uz интернет нашри муҳбири** — Долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий материаллари учун

лий материаллари учун

3-ўрин — **Шоева Сайёра Ўза** етакчи муҳаррири — uza.uz интернет сайтида мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотлар тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

#### РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР УЧУН НОМИНАЦИЯЛАР

##### Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал учун:

**Санжар Эшмуродов «Маҳалла» газетаси муҳбири** — Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг қўламли ислохотлар самаралари ҳамда соҳага оид муаммолар танқидий таҳлил этилган мақолалари учун

##### «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун» номинацияси:

**Жереми Хед журналист ва телебошловчи (Буюк Британия)** — Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятига бағишланган материаллари учун

**«Энг яхши фоторепортаж учун» номинацияси:**

**Ҳаким Йўлдошев «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари фотомуҳбири** — Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги долзарб воқеалар таҳлилий ёритилган фотоматериаллари учун

##### «Энг яхши матбуот хизмати» номинацияси:

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати. Матбуот хизмати раҳбари: Санаев Фуркат** — Вазирлик фаолияти ошқоралигини таъминлаш, матбуот анжуманлари самарадорлигини ошириш борасидаги ташкилотчилик фаолияти учун

#### МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди:**

1. «Худудий янгиланганга оид босма ва интернет нашрларидаги туркум материаллари учун» — **Юсупов Фуркат (мархум)**, Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар иттифоқида матбуот котиби бўлиб ишлаган.

2. «Ижтимоий тармоқларда мамлакатимизнинг ижобий имижини оширишга қаратилган материаллари учун» — **Жумабоев Дилмурод**, «Наманганская правда» газетаси бош муҳаррири, Осиё журналистлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили.

3. «Коррупцияга қарши кураш борасидаги ислохотлари таҳлилий ёритилган материаллари учун» — **«Жамият» газетаси таҳририяти**.

4. «Давлатимиз томонидан эҳтиёжманд оилалар учун амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисидаги таҳлилий материаллари учун» — **Гулнора Ҳажимуродова**, «Ватанпарвар» газетаси бўлим бошлиғи.

#### Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши:

1. «Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун» — **Хайриддинмурод Абулфайзов**, «Ma'rifot» газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

2. «Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун» — **Жобир Хўжакулов**, «Hurriyat» газетаси муҳбири.

#### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР

##### ЮНЕСКОнинг

##### Ўзбекистондаги ваколатхонаси:

**«Журналистнинг ахборот олиш имкониятлари масалалари чуқур таҳлил этилган материал учун» — Исламов Рамилъ, «Правда Востока» газетаси бўлим мудир.**

#### Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси:

1. «Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати ривож тўғрисидаги энг яхши материал учун» — **Алишер Умиридинов**, gazeta.uz сайти муҳбири.

2. «Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ёритилган энг яхши фото ёки видеохисобот (блог, видео-фильм ёки бошқа визуал махсулот) учун» — **Дилафруз Қулматова**, «UzReport TV» телеканали шеф-муҳаррири.

#### Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotининг Ўзбекистондаги координатори офиси:

1. «Терроризмга қарши курашда ОАВнинг роли» — **Беруний Алимов**, журналист.

2. «ОАВнинг суд ҳокимияти билан ўзаро алоқалари масалалари» (фейкка қарши кураш, журналистларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий тармоқларда ахборот хавфсизлиги)

– Садоқат Аллабергенова, «Даракчи» газетаси масъул котиби.

#### Америка Қўшма Штатлари элчихонаси:

«Иқтисодий ривожлантиришда Америка – Ўзбекистон муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун» — **Ойдин Саъдуллаева**, gujum.uz сайти муҳбири.

#### Россия Федерацияси элчихонаси:

1. «Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожига бағишланган энг яхши материал учун» — **Владимир Березовский**, vesti.uz интернет нашри бош муҳаррири.

2. «Россиянинг Ўзбекистон билан маданий-гуманитар ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун» — **Юрий Корсунский**, review.uz интернет нашри муҳаррири.

3. «Россия ва Ўзбекистоннинг савдо-инвестиция ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун» — **Андрей Тешаев**, rodfobno.uz интернет нашри бош муҳаррири.

#### Туркия Республикаси элчихонаси:

1. «Ўзбекистон ва Туркия ўртасида инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун» — **Элина Сакаева (gazeta.uz)**.

2. «Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун» — **Садоқат Дадаева**, UZMTPK, «Mahalla» телеканали муҳбири.

3. «Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун» — **Ҳотам Мамадалиев**, УзАнинг Наманган вилояти бўйича фотомуҳбири.

4. «Туркия ташқи сиёсати ҳақидаги энг яхши материал учун» — **Суннатулла Абдуллаев**, qalampir.uz сайти муҳбири.

#### Хитой Халқ Республикаси элчихонаси:

1. «Бир макон – бир йўл» лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик мавзусига бағишланган энг яхши материал учун — **Маруза Хосилова**, «Инсон ва қонун» газетаси муҳбири (Навоий вилояти).

2. «Хитой тўғрисидаги энг яхши материал учун» — **Мастура Хамроева**, УзЖИУ Сурхондарё бўлими мутахассиси.

#### Project HOPE (ЮСАИДдастури) (АҚШ):

1. «Босма ва интернет ОАВда сил касаллигига қарши кураш ҳақидаги энг яхши материал учун» — **Шохиста Бозорова**, «Қашқадарё» газетаси муҳбири.

2. «Сил касаллигига қарши кураш мавзусига бағишланган энг яхши телерадио материал учун» — **Фароғат Барноева**, Навоий вилояти телерадиокорпорацияси катта муҳаррири.

3. «Сил касаллиги мубтало бўлган одамларни камситишга қарши кураш (ёки сил касаллиги мубтало бўлганларга нисбатан бағрикенгликни шакллантириш) мавзусидаги материал учун» — **Шухратжон Хуррамов**, Франс-пресс (AFP) ахборот агентлиги муҳбири.

#### «Минтақавий мулоқот» халқаро ташкilotи (Словения):

«ОАВда коррупцияга қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материал учун» — **Садоқат Аллабергенова**, «Даракчи» газетаси масъул котиби.

#### DVV International (Германия):

«Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти ва ОАВнинг роли тўғрисидаги материал учун» — **Анора Содиқова**, ЎЗА муҳбири.

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва «Росатом» давлат корпорацияси:**

«Ўзбекистоннинг атом энергетикасини мавзуи ёритилган энг яхши материал учун» — **Максад Жангиров**, «Новости Узбекистана» газетаси махсус муҳбири.

**Лола Раҳманбаева**, kup.uz веб-сайти муҳбири.

**Жаҳонгир Абдурахманов**, Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати ходими.

**Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақавий экология маркази филиали (РЭЦЦА) – Европа Иттифоқининг молиявий ёрдамида:**

«Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг муҳимлигидан аҳолининг хабардорлигини ошириш, сув муаммолари ва уларнинг ечимлари ёритилган мақолалари учун»

1. «Энг ахборотга бой видеорепортаж» — **Шоҳжаҳон Каримов**, «Дунё бўйлаб» телеканали муҳаррири.

2. «Энг яхши фоторепортаж» — **Максад Жангиров**, «Новости Узбекистана» газетаси махсус муҳбири.

3. «Энг ахборотга бой матнли мақола» — **Наталья Шулепина**, экожурналист.

# дунёлардан бергай хабар эркин жаҳон матбуоти!

## ► Сўз — танлов ғолибларига

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ — Энг яхши журналистик материал учун матбуот йўналишида 1-ўрин, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири:**

— Журналистика мен учун ўз ихтиёри билан танлаган ардоқли касб. Илгари суҳбатларимдан бирида: “Журналист бўлиш — бир умр талаба бўлиш, ўқиш, ўрганиш”, деган эдим. Ҳар кун бирор манбани кўриб чиқмасам, бирор воқеа ёки ҳодиса моҳиятини ўрганмасам, икки-уч қоғоз нарса қораламасам, кўнглим ўрнига тушмайди.

Матбуотда анча-мунча ишладим, озми-кўпми тажриба орттирдим, журналист сифатида дунё мамлакатларини кездим, ўзим таҳсил олган олий ўқув юртида йигирма йилдан бери бўлажак касбдошларимга сабоқ бераман. Ундан ортиқ китобларим чоп этилди. Бироқ ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, кечаётган мураккаб жараёнлар, одамлар онг-тафаккуридаги эврилишлар, умуминсоний муаммолар шу қадарки, улар олдида эсанкираб қолиш ҳеч



экан, ишда унум бўлмайди.

Бир вақтлар ёзишдан кўра мавзу топиш, цензура тўсиғини хатлаб ўтиш мураккаб иш эди. Бугун-чи? Мавзу деганингиз ёпирилиб келмоқда. Матбуотимиз эркинлик, турфа фикрлилик томон юз бурди. Жамиятда соғлом танқидга нисбатан муносабат ўзгарди. Яхши томонга, албатта. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари, амалий ишлари, халқ кўнглига қараб иш тутиш услуби наинки бизларни, олис минтақалардаги ижодкор ҳамкасбларимизни ҳам руҳлантирмоқда. Ўзбекистон дунё учун

**Энг яхши журналистик материал учун матбуот йўналишида 1-ўрин, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти (бош муҳаррири Хусан ЭРМАТОВ):**

— Жаҳон матбуоти эркинлиги кун. Аслида бу ҳаммамнинг байрами! Чунки матбуот жамиятда яшовчи ҳар бир инсонга дахлдор соҳадир.

Ўтган икки ярим йил бизнинг соҳа учун ҳам жуда катта инқилобий ўзгаришлар даври бўлди. Бу вақт ичида дилимизга йиллар мобайнида ин қурган ҳадиқ, хавотирдан қутула бошладик.

Мухим йўқотишларимиздан бири — матбуотга ишончу эҳтиёжи сусайтириб қўганимиз. Шунинг билан ҳаракатимиз. Бироқ, бу осон кечаётгани йўқ. Чоп этаётган газеталаримизни ўқиш табиий эҳтиёжга айланишини истар эканмиз, бу ўзимизга ҳам боғлиқ.

Президентимиз такрор-такрор таъкидлаётганидек, газеталаримизда кучли танқидий-таҳлилий материаллар етарли эмас. Биз бу танқиднинг замирида давлатимиз раҳбарига елкадошлик ишончи турганини ҳис этишимиз даркор, деб ўйлайман. Бироқ кўли ҳам, диди ҳам қотган, ички цензура ҳаддан ошган журналистларимизга дадиллик, таҳлил ва моҳиятни тўғри англаб, ифода этиш этишмаяпти.

Ўтган даврда Касаба уюшмалари ҳаёти билан бирга, халқ таълими, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги бир қатор



масалаларни кўтариб чиқдик, миллат маънавиятининг оғриқли жиҳатлари бош мавзуларимиздан бири бўлди, иқтисодий йўналишда ҳам қалам тебратишга, сўз айтишга интилдик.

«Хатолардан холи бўлмаган ишлар», «Жавоб излаётган саволлар», «Қадим кўлэмалар қатидаги ганжиналар», «Кексалар фақат чойхонага борадилми?», «Чироқчига хос эртак», «Тишин борида тишлаб қол», «Колумба бор аламини маним», «Халқ таълими вазирига очик хат» каби ўнлаб мақола-лар чоп этилди. Улар билан кимнингдир дардига малҳам,

кимнингдир қалбига ўт, кимнингдир юрагига жамиятга дахлдорлик ҳиссини солдик, деб ишонаман. Газеталаримизда халқимиз ташвишлари ва қувончларини акс эттиришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳаракатлар, меҳнатлар бесамар эмаслигини кўряпмиз ҳам. Газетхонлардан келаётган хатлар, мурожаатлардан аён бўлмоқдаки, матбуотга ишонч «ўлмаган», уни қайтариш, барқарор тиклаш мумкин!

Шу сабаб, ўткир ва уйғоқ фикрга эга, ислохотларни таҳлил этиш қобилияти бор чет муаллифлар билан ишлашнинг янги механизмини жорий этдик. Қалам ҳақи — гонорарни оширдик. Қўлига қалам олган киши билди: дилдаги фикрларни, ҳароратни ифода этишнинг машаққати оғир. Қолаверса, жамият фикрини шакллантириш, тафаккурни уйғотиш масъулияти ҳам бор.

«Олтин қалам» XIV Миллий мукофоти учун халқаро танловда таҳририятларимиз жамоасининг матбуот соҳасидаги энг яхши журналистик материал учун номинацияси бўйича биринчи ўринга муносиб қўрилиши бизга янада катта қуч-ғайрат бағишлайди.

**Юлианна МОРОЗ — Энг яхши журналистик материал учун матбуот йўналишида 3-ўрин, «Правда Востока» газетаси мухбири:**



— Свобода для средств массовой информации, плюрализм мнений нужны как воздух. Вместе с тем, работу журналистов невозможно представить без выстраивания сотрудничества с государственными органами. От степени их открытости во многом зависит и то, какими будут материалы в СМИ. Есть большая разница, скажем, получить сведения по слухам или с подтвержденными данными из достоверных источников. Многие уже это поняли и перешли на совершенно новый формат сотрудничества с журналистами. В конечном итоге обеспечение открытости деятельности органов государственной власти и управления, укрепление независимости, экономической самостоятельности средств массовой информации служит реализации конституционных прав граждан на свободу слова, обеспечение прозрачности проводимых реформ.

Представителей СМИ называют «четвертой властью», подразумевая возможность влиять на ту или иную ситуацию. Было бы, возможно, хорошо, сказать, что так оно и есть. Однако в нашей профессии всегда есть к чему стремиться, плану никогда не опускают, скорее наоборот - поднимают еще выше. Неслучайно глава государства в своем обращении к специалистам этой сферы отметил, что «средства массовой информации должны не на словах, а на деле стать «четвертой властью».

Самое важное, что есть в нашей профессии — доверие читателей. В газету «Правда Востока» приходят обращения от граждан, которые идут к журналистам в надежде, что им помогут. Не все истории завершаются на положительной ноте, не все возможно решить за один день, месяц и даже год. Однако когда есть подвижки, когда поддерживают на уровне госорганов, не на словах, а на деле выстраивают диалог, вот тогда появляется ощущение, что все не зря.

На конкурс были представлены статьи, опубликованные в газете «Правда Востока», а также на портале издания ru.uz. В статьях сделан акцент на освещение значимых преобразований в стране, результаты проводимых реформ, налаживание диалога средств массовой информации и госорганов, социальную тематику, вопросы экологии, имеющиеся проблемы, а также возможные пути их решения. Конкурс — своего рода подведение итогов работы журналистов за прошедший период. На 2019-й также есть планы, и все они связаны с газетой «Правда Востока», перешагнувшей столетний рубеж. Это большая ответственность — быть частью издания, которое отражает конкретное время, наше с вами «здесь и сейчас».

«Олтин қалам» — это премия, свидетельствующая о признании народа. Президент страны уделяет особое внимание диалогу с народом, глубокому изучению забот и чаяний людей. Мы должны соответствовать требованиям нынешнего стремительно меняющегося времени, быть еще более активными, оперативными, всем сердцем чувствовать свою ответственность за будущее нашей Родины.

**Энг яхши журналистик материал учун матбуот йўналишида 2-ўрин, “Китоб дунёси” газетаси таҳририяти (бош муҳаррири Хосият РУСТАМОВА):**

— Бугунгидек шиддатли замонда “Китоб дунёси” газетаси ўз номига мос равишда дунё китоблари ва китоблар дунёсининг сирларга бой олами кашф этмоқда. Газета 2012 йилдан буён фаолият юритиб келади. Шу давр мобайнида ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларини чоп этиш, ёш ижодкорларни топиш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш — доимий эътиборимизда.

Президентимизнинг халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш борасидаги қатъий топшириқлари замирида миллат келажаги учун қайғуриш муҳасам. Шу ғамхўрликни чуқур анлаган ҳолда, газетамизни китобхонлик, адабиёт ва маънавият минбарига айлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

“Олтин қалам” XIV Миллий мукофоти учун халқаро танловда таҳририятимиз жамоаси амалга ошираётган бу каби хайрли ишларнинг матбуот соҳасидаги энг яхши журналистик материал учун номинацияси бўйича иккинчи ўринга лойиқ топилгани бизни янада катта илҳом ва рағбат билан ишлашга ундайди.



**Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ — “Энг яхши фоторепортаж учун” номинцияси рағбатлантирувчи мукофот, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари фотомухбири:**

— Авваламбор, мени фотомухбирлик касбига йўналтирган устозларимга раҳмат айтаман. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Қалбимдан ўтаётган туйғуларни сўз билан ифода қила бера олмайман. “Халқ сўзи”даги фаолиятим давомида ижодий ўсдим, улғайдим. Ўз устимда ишладим. Расмлар “сузлаши” учун фотоижодкорда маҳорат, кўникма ва билим бўлиши керак. Шундангина у ўз муҳлисини топади. Мана шу соҳани танлаб, адашмаганимни англадим. Устозларим ҳамма менга меҳнатнинг таги роҳат, қийналиб эришган ютуғини мазали, ширмон нондек ширин бўлади, дейишарди. Фаолиятим давомида секин-секин меҳнатларимнинг роҳатини кўрайман. Қолаверса, ижодий ходимнинг жамоадаги ўрнини топишда ҳамкасбларининг ҳам ўрни юқори бўлади. Ҳамкасбларимиз билан дўстона муҳитда ишлаймиз. Бир-биримизни қўллашимиз, тушунашимиз. Қасбим-фаҳрим деб айта олам.



гап эмас. Тинимсиз изланиш, янги мавзу ва талқинларга қўл уриш, хулоса чиқариш зарур.

Журналистика бир ҳамла билан забт этиладиган тепалик эмас. У бошқа кўп соҳалар каби фидойиликни, адоги кўринмайдиган захматли меҳнатни талаб этади. Бугун ҳаётининг, ўй-хаёлларининг қоғоз-қалам ихтиёрига топширишинг, мавзулар, муаммолар гирдобиди ҳаракат қилишинг, қутилган-қутилмаган тўсиқлардан пешонангни ғурра қилмай ўтишинг керак. Йиллар ортада қолгани сари матбуот олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлаверади. Газетхон аталмиш ҳар янги авлод сандан янги сўз, янги фикр, воқеа-ҳодисаларнинг рост ва холис талқинини, таъсирчан сўз ва ибораларни кутади. Бусиз газетхонни ўзингга жалб қила олмайсан, сўзингга ишонтиролмайсан. Газета ва газетхон ўртасида ўзаро ишонч кўприги қурилмас

ҳеч қачон бугунгидек жозибдор, қизиқарли бўлмаган. Бундай пайтда ижодкорнинг қўл қовуштириб туришини тасаввур қила олмайман. Чунки, матбуот, айримлар ўзларича бир нималарни писанда қилишмасин, барибир, жамият ҳаётида бундан кейин ҳам ўзининг баланд мавқеини сақлаб қолади. Газета-газетхон мулоқоти давом этади. Журналистика юртнинг маънавий кудратини юксалтиради, иродасини мустаҳкамлайди. Бунинг учун эса...

Бугун менга матбуот соҳасидаги нуфузли мукофотлардан бири топширилган экан, муҳташам зални тўлдириб ўтирган касбдошларим орасида кўплаб шоғирдларим ўтирганидан ҳам шодландим, ҳам ҳаяжонландим. Устоз сифатида мен уларнинг ишончини бугун ҳам, эртага ва ундан кейин ҳам оқлашим керак. Вақт ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Бинобарин, кечаги кун ўртасида ўзаро ишонч бўлмайди.



**Сайёра ШОЕВА ЎЗА мухбири — Энг яхши журналистик материал учун (интернет журналистика) 3-ўрин:**

— Ўзимни ғолиблар сафиди кўриб, жуда ҳаяжонландим. Агентлигимизда материал тайёрлашда учта энг муҳим қоидага эътибор берилади. Энг холис, энг аниқ ва энг тезкор. Веб-сайтимики кузатиб борадиган ўқувчилар бунинг дарҳол илғаи олади. Тўғри, кимлардир янада тезкорроқ ҳаракат қилиши мумкин. Бу — рақобат, бозор талаби.

Мазкур юксам мукофот менга нафақат фахр туйғусини, балки катта масъулиятни ҳам юклайди. Келгусида янада шижоату иштиёқ билан ишлайман.

# Юксак меҳр билан йўғрилган мукофот

Бундай янгиликларнинг кўпини шу Халқаро пресс-клуб орқали билиб олмақдамиз-ку! Бугун катта ваъдалар бериб, эртасига айтган гапини унутадиган айрим масъулиятсиз раҳбарларнинг қанчаси шу даргоҳда яна савол-сўроққа тўтилмоқда. Уларнинг орасида аҳолининг муаммоларини ҳал қилиш ўрнига, журналистлардан ёзғириб юрганлари ҳам топилади. Бундайларни кўриб, атоқли инглиз журналисти ва адиби Гилберт Честертоннинг ҳикматига айланиб кетган гапи ёдга тушади: "журналистларнинг устидан арзи дод қиладиган раҳбар денгиз тўлкинидан фигони фалакка чиқадиган кема капитанига ўхшайди".

"O'zbekiston-24" каналнинг очилиши мамлакатимиз медиа маконидан унутилмас воқеага айланади, жамоатчилигимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олингани-чи. Лекин 50 йилдан бери "Ахборот"дан бошқа нарсани кўрмай, унга "умр йўлдошидек" кўниги қолганлар орасида иккиланганлар ҳам учрагани рост. Бу ҳам табиий. Зеро, янгиликни ҳамма бир хил — ҳушлаб қабул қилавермайди. "O'zbekiston-24"нинг телерепортажлари эса "энди аввалгиларга ўхшамас". Тезкорлик, аниқлик, ҳолисликни ўзига шиор деб билган телехамкасбарларимизнинг фаол интилишлари ўлароқ ҳозир халқимиз куну тун — 24 соат оламаро янгиликлардан ҳабардор. Йиллар давомида йўғрилиб қолган муаммоларни рўй-рост кўрсатиш ва ҳал этиш йўлларини таҳлил қилиш телеканал жамоасининг доимий этиборида. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни, Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили мақсад-вазифалари ижроси бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни тезкор ва таҳлилий ёритиб келаётган бу жамоа танловда Миллий мукофотимизнинг Бош



Шодғиз Шохидоев фотолари

совринига лойиқ кўрилади. Жуда муносиб.

Аслини олганда, бундай ютуқларнинг замирида журналистларимизнинг ўз халқига, Ватанига чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқати, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга дахлдорлик туйғуси, жамоатчилик назоратини кучайтиришга, воқеликка теран нигоҳ билан қарашга интилиши, юксак масъулият ҳисси, фаол фуқаролик позицияси билан боғлиқ тушунчалар ва тамойилларга сикдидидан амал қиладигани мужассамдир! Президентимиз Шавкат Мирзиёев биз, журналистлар олдига қўйган вазифалар, талаблар барчамизнинг дилимизда: "Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилиши зарур". Бундай юксак даражага кўтарилиш учун катта билим, тафаккур, меҳнат, закийлик ва фидойилик зарур. Ҳамкасбаримиз ана шундай эзгу мақсад йўлида дадил интилиб, юксак самараларга эришаётганига гувоҳ бўлиш кишига катта қувонч бағишлайди.

Пойтахтимизда кеча «Туркистон» саройида «Олтин қалам» XIV Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбирда бу жи-

ҳатлар яна бир бор намоён бўлди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куну муносабати билан таъсис этилган мазкур халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қўнунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этгани юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга эътиборнинг юксалиб бораётганидан далолатдир.

Танлов ташкилий кўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов ва бошқалар кейинги уч йилда, барча соҳаларда бўлганидек, матбуот ва оммавий ахборот воситалари йўналишида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади.

Ижодий изланишлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Журналистлар ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 2006 йилдан бери ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов ҳам журналистларимизга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин мисолидир.

Танлов якунлари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги бемисл янгилашлар жараёни теран ва таъсирчан ёритилган материаллар, шунингдек, ижтимоий муаммолар таҳлилий-танқидий очиб берилган, уларни ҳал этиш борасида амалий таъсир кучига эга чиқишлар сони

ортиб бормоқда. Босма нашрлар, радио-телевидение ва интернет нашрлари ўртасида соғлом рақобат кучаймоқда.

Танловнинг муҳим ва ўзига хос жиҳати шундаки, унда барча журналистлар қатнашиши мумкин. Бироқ мукофот тақдир берилмайди. Қатнашчилар орасида газета-журналларда илк ижодий ишлари чоп этила бошлаган талабадан матбуот соҳасида аллақачон соҳига оқ тушиб, элнинг назарига тушган устоз журналистларгача бор. Бу омил ҳар йили янги ғолиблар пайдо бўлишига, совриндорлар сафи янада кенгайиб боришига, ижодий изланишлар кучайишига хизмат қилмоқда. Шунинг ўзи, айни пайтда, мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлиги мустаҳкам қарор топиб бораётганидан далолатдир.

Бу йил мазкур нуфузли танлов ўн тўртинчи марта ўтказилди. Ўтган йиллар давомида танловда 6500 журналистнинг 100 мингга яқин ижодий иши кўриб чиқилди ва 280 ижодкор танлов ғолиби бўлди. Мазкур танловларни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш учун жами 3 миллиард 165 640 000 сўм миқдорда пул мукофотлари ажратилди.

Бу йилги танловда 518 нафар журналист 6 минг саккиз юздан ортиқ ижодий иши билан қатнашди. Барча йўналишлар бўйича ҳайъат аъзолари ҳар бир ижодий ишни, ҳар бир материални диққат билан кўриб чиқди. Энг муҳими, ижодий ишлар бугунги кунда ҳаёт олдимизга қўяётган талаблар — юксак профессионализм, журналистнинг фуқаролик позицияси, танқидий-таҳлилий мушоҳада, сўз масъ-

улияти ва ифода маҳорати, ижодий фаолиятга янгича ёндашув мезонлари асосида баҳоланди.

Бу йил мамлакатимизда демократик жараёнларни янада кенгроқ ёритишни рағбатлантириш мақсадида "Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал учун" номинацияси бўйича рағбатлантирувчи мукофот эгаси ҳам аниқланди.

Танлов билан боғлиқ сарф-харажатлар, икки йилдирки, Президентимизнинг 2017 йил 9 августдаги қарори асосида ташкил этилган Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда. Бу йилги сарф-харажатлар 689 миллион 400 минг сўмни ташкил этмоқда.

Кайд этилганидек, Бош миллий мукофотга Халқаро пресс-клуб ва "O'zbekiston-24" телеканали жамоалари сазовор бўлди. Ғолиб жамоаларига махсус диплом, "Олтин қалам" кўрак нишонни, статуетка ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридидаги пул мукофоти топширилди.

"Олтин қалам" — "халқимизнинг юксак меҳри билан йўғрилган мукофот", деб берилган таърифу тавсифда катта ҳикмат бор. Ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодаси сифатида таъсис этилган мазкур мукофот журналистларимизни Ватанимизни янада обод, халқимиз турмушини янада фаровон қўриш йўлида катта меҳр, улкан масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилишга ундайверади.

Кулман ОЧИЛОВ.

## Сўз — танлов ғолибларига

Журналистика соҳасида Бош Миллий мукофот "O'zbekiston" 24 телерадиоканали жамоаси (Директори Мадамин САФАРОВ):



— "O'zbekiston 24" телерадиоканали янги давримизнинг янги телеканали сифатида нафақат миллий, балки халқаро медиамаконга ҳам шитоб билан кириб келганига икки йил бўлди. Телерадиоканал Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги "O'zbekiston 24" инфор-мацион-таҳлилий телерадиоканали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

"O'zbekiston 24" юртимизнинг янги тарихидаги кенг кўламли ислохотлар, ўзгаришлар ва янгилашларнинг инъикоси ўлароқ юзага келган муваффақиятли лойиҳадир. Янги институционал тизим сифатида халқ билан мулоқот тамойилининг йўлга қўйилгани, аҳоли муаммолари изчил ўрганилаётгани ва ҳал қилинаётганидан то давлат идоралари фаолияти очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижини янада яхшилаш билан боғлиқ барча жараёнлар телерадиоканалимизда тезкор, изчил ва таъсирчан тарзда ёритилмоқда.

Айтиш керакки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга уйғун ҳолда "O'zbekiston 24" телерадиоканалида ҳам сифат жиҳатидан туб янгилашлар амалга оширилди.

Биз "O'zbekiston 24" телерадиоканали катта ижодий салоҳиятга эга, Ўзбекистоннинг янги тарихини тўлақонли ёритишга қодир жамоа эканимиз билан фахрланамиз.

Бутун халқимиз давлатимиз раҳбарининг ҳудудларимизга ташрифларини интиқ бўлиб кутадиغان бўлиб қолди. Чунки, мунтазамлик касб этган бундай амалий ташрифлар ҳудудлар ҳаётига катта янгиликлар, одамлар ҳаётига энгиллик, фаровонлик олиб қираяпти. "O'zbekiston 24" телерадиоканалида Президентимизнинг ҳудудларга ташрифини тезкор, сифатли ва таъсирчан ёритиш борасида янги ёндашувлар жорий этилмоқда ва бу телетомошабинларга манзур бўлаётганидан мамнунмиз.

Хорижий экспертларнинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон дунёга ёрқин юз очмоқда. Бу фикрнинг исботини давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга ташрифларида ҳам кўриш мумкин. Хорижий ташрифлар нуфузли халқаро телеканаллар тажрибаси ва амалиётига мос равишда, улар билан ҳамкорликда тезкор, тўғридан-тўғри ва янгича ёндашувлар асосида ёритилаётгани томошабинларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондириш имконини бераяпти.

"Обод қишлоқ" дастури юртимизнинг қиёфасини буткул ўзгартириш баробарида одамларнинг ҳаётга, келажакка бўлган ишончларини ҳам ижобий тарафга ўзгартирди. "O'zbekiston 24" телеканалда "Обод қишлоқ" дастури доирасида буткул янгиланган манзиллар — Жиззах вилоятининг Манас қишлоғи, Мирзачўл тумани, Андижон шаҳри Мустақиллик маҳалласи, Сурхондарё вилоятининг Сангардак қишлоғи, Самарқанд вилоятининг Жом қишлоғи, Навоий вилоятининг Томди тумани, Қорақалпоғистон Республикасининг Қорақалпоғистон овулида олиб борилган қурилиш-бунёдкорлик ишлари мунтазам равишда изчиллик билан ёритилмоқда.

Пойтахт Тошкент шаҳри, гарчи барчанинг ҳаваси келадиган шаҳар бўлса-да, унинг шундай гўшалари бор эканки, улардаги аҳволни кўриб ачиниб кетасиз. "Обод маҳалла" дастури доирасида "O'zbekiston 24" телеканалда мазкур камчилик бор бўйича кўрсатилди. Жумладан, кўпқаватли уйлардаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг хом-хаталиги, ички қўчалар, йўлакларнинг таъмирталабчилиги, ободлаштириш ишларининг йўлда-жўлдалиги, ҳалигача туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки паспорти йўқ ҳолатда яшаётган кексалар, сув, электр, газ таъминотидаги узилишлар, фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини ҳисоблашдаги тушунмовчиликлар — барчаси очик-ойдин таҳлил қилинди.

Таъкидлагим келадикки, телерадиоканалимиз бирор муаммога жамоатчилик эътиборини қаратар экан, унинг ечимини ҳам назардан қочирмайди. Масалан, пойтахтимизнинг Чоштепа мавзесида қурилаётган кўп қаватли уй-жойларни, Тошкент шаҳридаги канал ва анҳорлар ҳолати тубдан ўзгараётганини кўриб, бунда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан хурсанд бўламиз.

Муҳими, ходимларимиз ўз келажаги, ижодий юксалиши, ҳатто оиласининг бахти ва фаровонлигини телерадиоканалимиз ривожига қўради. Инчунун, жамоамиз ўз тажрибаси ва салоҳиятига таянган ҳолда, доимий изланишда ва юксак марраларни кўзлаб ижод қилмоқда. Жамоамизнинг "Олтин қалам" XIV Миллий мукофоти учун халқаро танловда Бош Миллий мукофотига сазовор бўлиши бизга янада катта илҳом бераверади.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган "Харакатлар стратегияси — юксалиш стратегияси" номли лойиҳа асосида чоп этилмоқда. (С/24)

## Барно СУЛТОНОВА "Хабар.uz" сайти шарҳловчиси — Энг яхши журналистик материал учун (интернет журналистика) 1-ўрин:

— Ахборот асрида янгилик ёруғлик тезлигида тарқалиб, шу заҳоти ўз таъсир кучини йўқотди. Бу эса биз, журналистлардан ҳар куну ўз устимизда ишлашимизни талаб қилади. Кеча янгича ёндашиб ёздим деб ўйлаган мақолангиз, эртасига эскирганини англайсиз. Янги сўз, янгича ёндашув, янгича қараш излайсиз. Йиллар давомида сиз кашф этган қаҳрамонлар сафи кенгайиб бораверади. Журналист гоҳида меҳрибон ўқитувчи, гоҳида кулқис ўқувчи, гоҳида қўли энгил шифокор, фаррош, дехқон қиёфасида ўзини қидиради.

Газета чиқариш, мақола ёзиш, уни тайёрлаб саҳифага қўйиш, навбатчиликка қолиш, дам олиш кунлари ҳам турли тадбирларга қатнашиш — буларнинг барчаси соҳада иш бошлаган журналист учун қийин туюлади. Орамизда касбини ўзгартириш ҳақида ўйламаган ҳамкасбаримиз бўлмас керак. Аммо вақт ўтган сари, тажриба, масъулият ошган сари журналист елкасидаги юк қанчалик залворли бўлмасин, касбини ўзгартириш ҳақидаги фикри унутилиб бораверади.



Бир пайтлар саноклигина газета-журнал, телерадиоканалар бўларди. Биргина яхши мақола ёки кўрсатув, эшиттириш тез тилга тушарди. Табиийки журналистнинг ҳам танилиши, тан олинishi осон эди. Бугун замон ўзгарди. Нафақат танқидий, балки таҳлилий мақолага, кўрсатувга, эшиттиришга эҳтиёж ва талаб кучайди.

Журналистлар учун турли форумлар, танловларнинг ўтказилиши уларни руҳлантиради. Журналист учун аслида энг катта мукофот жамиятда ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал қилини.

"Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловда биринчи ўринни олганимдан бошим осмонга етди. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун, аввало, Президентимиздан миннатдорман.

## Кумар БЕКНИЯЗОВА Kar24.uz сайти бош муҳаррири — Энг яхши журналистик материал учун (интернет журналистика) 2-ўрин:

— Қорақалпоғистоннинг онлайн оламида янгиликлар тарқатиш ва халқни аниқ, ишончли ахборот билан таъминлашга ўз ҳиссамни қўшиб келаяётганимдан фахрланаман. "Kar24.uz" сайти ташкил этилганига кўп йил бўлмади, аммо шу фурсатлар ичида ўзининг минглаб мухлисларини топа олди. Улар бизни яхши ёзишга, Қорақалпоғистондаги воқеа-хадисларни шаффоф, тез ва аниқ етказишга ундайди. Сайт ахборот тарқатиш билан бирга жамиятдаги муаммоларни танқидий-таҳлилий қаламга олади, камчиликларни журналистик суриштирувлар орқали ёритади. Эл ардоғидаги ва оддий инсонлар билан интервьюга киришади. Ўз ўқувчилари ва мухлис-ларига эга сайтнинг "кўчасида" бугун катта байрам, яъни ахборот соҳасида кўрсатаётган камтарин хизматимиз юксак баҳоланганидан мамнунмиз.

Энди "Олтин қалам" Миллий мукофотига муносиб бўлишимиз керак.



► Сўз — танлов голибларига

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди: “Давлатимиз томонидан эҳтиёжманд оилалар учун амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисидаги таҳлилий материаллари учун” Гулнора ХОДЖАМУРОВОВА — “Ватанпарвар” газетасининг бўлим бошлиғи:



— Ҳаққон бери матбуот соҳасида ишлайман. Мукофотни олаётган пайтдаги ҳаяжоним ва шодлигимни таърифлашга тил ожиз. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, жамиятимизда кечаётган воқеа-хадисларни тезкор ва ҳолис ёритиш борасида катта имкониятлар яратилмоқда. Мен ҳам халқ билан армияни боғлашда, ўз ижодий ишларим билан ҳиссамни қўшиб келганимдан хурсандман. Таҳририятимизнинг ахил жамоасидан гоё миннатдорман. Чунки мен у ерда ҳарбий журналист, газетачи сифатида шаклландим. Бу мукофот келажакда яна қўллаб мақолалар ёзишимда илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Садоқат АЛЛАБЕРГАНОВА “Даракчи” газетаси масъул котиби — Халқаро ҳамкорлар таъсис этган номинациялар: “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) “ОАВда коррупцияга қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материал учун”:




— Бундай эътибор, ишонч кишига икки қарра кўпроқ шижоат, кўтаринкилик ҳаёда этади. Рухлантириб, янада олға интилишга ундайди. Шу йўналишдаги материаллар ичида голиб деб топилганидан хурсанд бўлдим. Бу ютуқ аввало, онам ва албатта, соҳага чўққир кириб боришимга сабаб бўлган устозларимники ҳамдир. Утган йили онам билан томошабин сифатида ўтирганимизда, келаси йил сенга ҳам шу мукофотни олиш насиб қилсин деб ният қилгандилар. Бундан рухланиб, ўз устимда кўпроқ ишлайман.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ Ўзанинг Наманган вилояти фотомухбири — Туркия Республикаси элчихонаси “Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун”:



— Ҳаққон бери матбуот соҳасида ишлайман. Мукофотни олаётган пайтдаги ҳаяжоним ва шодлигимни таърифлашга тил ожиз. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, жамиятимизда кечаётган воқеа-хадисларни тезкор ва ҳолис ёритиш борасида катта имкониятлар яратилмоқда. Мен ҳам халқ билан армияни боғлашда, ўз ижодий ишларим билан ҳиссамни қўшиб келганимдан хурсандман. Таҳририятимизнинг ахил жамоасидан гоё миннатдорман. Чунки мен у ерда ҳарбий журналист, газетачи сифатида шаклландим. Бу мукофот келажакда яна қўллаб мақолалар ёзишимда илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Фароғат БАРНОЕВА Навоий вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири — Project NOPE (ЮСАИД дастури) (АҚШ) “Сил касаллигига қарши кураш мавзусига бағишланган энг яхши теле-радио материал учун”:



— 2001 йилдан буён Навоий вилоят телерадиокомпаниясида ишлайман. Ҳаққон бери матбуот соҳасида ишлайман. Мукофотни олаётган пайтдаги ҳаяжоним ва шодлигимни таърифлашга тил ожиз. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, жамиятимизда кечаётган воқеа-хадисларни тезкор ва ҳолис ёритиш борасида катта имкониятлар яратилмоқда. Мен ҳам халқ билан армияни боғлашда, ўз ижодий ишларим билан ҳиссамни қўшиб келганимдан хурсандман. Таҳририятимизнинг ахил жамоасидан гоё миннатдорман. Чунки мен у ерда ҳарбий журналист, газетачи сифатида шаклландим. Бу мукофот келажакда яна қўллаб мақолалар ёзишимда илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Санжар ЭШМУРОДОВ “Маҳалла” газетаси муҳбири — Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал учун рағбатлантирувчи мукофот:

— “Олтин қалам” XIV Миллий мукофотининг “Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал” номинациясига халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган ислохотлар мазмун-моҳияти, уларнинг амалиётдаги ҳаракати ҳақидаги ижодий ишларимни топширдим.

Улар орасида “Тарозининг икки палласида ҳам тақдир ётади”, “Келажакнинг гамини бугун ейлик”, “Мажбурий меҳнатга чек қўйилди”, “Ўзбекистон тараққиётига бефарқ бўлмаган барчани бирлаштирамиз”, “Қовургангиз синса, оғримайдими?”, “Ҳуқуқий тарғибот муаммолари ечимми”, “Адашганга ким тўри йўл кўрсатади?” каби мақолаларим бор. Бу ижодий намуналаримда юртимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, мажбурий меҳнатга чек қўйиш, аҳолининг



ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қилинаётган ишлар акс этган. Хусусан, “Тарозининг икки палласида ҳам тақдир ётади” мақоласида UNICEF халқаро болалар ташкилоти билан Ўзбекистондаги болалар меҳнатидан фойдаланишни чеклаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини тўлақонли ҳимоялаш борасидаги янги лойиҳалар ҳақида сўз боради. “Қовургангиз синса, оғримайдими?” мақоласида эса оила-

вий эъронликлари олдими олиш, айниқса, гендер тенглигини таъминлаш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги янги тизим ва қарашлар борасидаги фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Шунингдек, мақолалар орасида Президентимиз томонидан авф этилган ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кафиликка олинган, тўғри йўлдан адашиб жиноятга қўл урган ва қилган ишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларнинг кейинги тақдир тўғрисидаги материаллар жой олган.

Мақолаларимда бундай инсонларнинг фуқаролик ҳуқуқлари қай даражада тикланган, улар жамиятнинг фаол аъзосига айлана олдими, йўқми, каби саволларга жавоб излашга ҳаракат қилганман. Менинг камтарона меҳнатимга юқори баҳо берган барчага миннатдорлик билдираман. Бугун мен ва оила аъзолрим учун ҳақиқий байрам бўлди. Айниқса, бу хабардан ота-онам қанчалик қувонганини тўлақонли ҳимоялаш борасидаги янги лойиҳалар ҳақида сўз боради. “Қовургангиз синса, оғримайдими?” мақоласида эса оила-

вий эъронликлари олдими олиш, айниқса, гендер тенглигини таъминлаш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги янги тизим ва қарашлар борасидаги фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Феруза ЎКТАМОВА Навоий вилоят телерадиокомпанияси 1-тоифали муҳаррири — Энг яхши журналистик материал учун (радио) 3-ўрин:




— Навоий вилоят телерадиокомпанияси жамоасида бугун юртимизда кечаётган жараёнларга оид хабарлар тезкорлик ва аниқлик билан халққа етказилмоқда. Мен ҳам асосан ўз эшиттиришларимда бугунги ислохотлар ва уларнинг инсон манфаати йўлидаги ўрни борасида тўхталишга ҳаракат қиламан. “Ислохот одимлари”, “Жараён”, “Тараққиёт суръатлари” эшиттиришлари айнан шу йўналишда бўлса, ёш тадбиркорлар, инвесторлар ва инновацион гоёлар яратган иқтидор эгалари ҳаётидан сўзловчи “Ташаббус бизда” эшиттиришида, “Изолаган имкон топар” нақлини ҳаётий шioriга айлантирган ташаббускорлар ютуғи ва шу жараёнда уларнинг фаолиятидаги муаммолари ҳам эътибор марказида бўлади. “Одамлар орасида” эшиттириши орқали аҳолимиз орасида учраётган энг оғриқли нуқталар таҳлил этилиб, муаммолар ечимига йўллар изланади. Устозларимиз ёрдамида оширган маҳоратимизни даврнинг ўзи янада сайқаллапти. Давр журналистнинг зиммасига катта масъулият юклатилади.

Яратилаётган кенг имконият ва шароит, муносиб кўрилганимиз юксак мукофот ўз ишимизга янада сийқидилдан ёндошишга ундайди.

► Эҳтиром

“Бугун шеър ёзиш ҳавас, уни тушуниш донишмандликдир”, деб қайд этгандим бир гал. Қизиқ, менда нега айнан шундай фикр тугилди экан? Ҳаёлига келганини шеър сифатида қоғозга тушириб, китоб қилиб чиқараётган, оғзига келганини қўшиқ деб айтиб, ойнаи жаҳондан, саҳнадан тушмаётганлар ўзларини шоир, ҳофиз санаб юрганида, жамоатчилик эса уларни жимгина олқишлаб турганида фикратимда чақнаган ўзига хос исёнми бу? Билмадим. Лекин шуни яхши биламанки, заргар бўлмаса, зарнинг, синчи бўлмаса, асл тулпорнинг қийматини ҳеч қачон тўғри баҳолай олмайдими. Бу гап, табиийки, адабиётимизга ҳам, санъатимизга ҳам бирдек тегишли. Санъат соҳасида аҳвол бу борада қанақа — аниқ айтишим қийин. Аммо адабиёт-шунослигимиз жуда ачинарли ҳолатда десак, муболага бўлмас. Ҳамду санолардан иборат, нари борса, мавзу ўртамиёна таҳлилга тортилган мақолалар бисёр, бироқ кескин адабий-танқидий чиқишлар деярли йўқ ҳисоби.



қабул қилиш бироз қийин кечади. Бундан адабиёт ҳам мустасно эмас. Баъзан касбим таъзозси билан шундай янгилик — эксперимент асарлар қўлимга тушиб қолади. Лекин уларни да б д у р у с т д а н эълон қилиш таҳририятга ҳам, муаллифга ҳам қимматга тушиши мумкин. Бундай пайта, албатта, турли “ҳимоя чоралари”ни топиб

“Жўмардлик феъланда бор...”

Ана шундай ўй-хаёллардан дилим хуфтон бўлиб турганида, дафъатан таниқли олим, педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдош эсимга тушиб, тўғриси, бутун онгу шуурим чарқлаб ёришиб кетгандек бўлади. Йўқ, аҳвол батамом фоживий эмаскан. Кўз олдидан Қозоқбой ақанинг яна уч-тўрт нафар сафдошлари ўтади. Уч-тўрт нафар! Ҳўш, бу кўпми ёки оз? Бир ёқда соҳанинг профессионал вакиллари яратаётган савияси баланд асарлар, бир ёқда ҳамма замонларда ҳам бўлган ҳаваскорлик даражасидаги қоралар пайдар-пай эълон қилинапти ва сувга тушган тошдек жим-жит, акс-садосиз тиниб қолапти. Қолаверса, бугун мактаб дарсликлари-нда тўлиқ хатм қилиб улгурмасдан ота-онанинг ҳиммати билан адабий хамарчилар ёрдамида қатор-қатор китоб чиқаришда кимўзарга пойгани авж олдирётган “ижодкорлар” хусусида ҳам кимдир охири-оқибат ҳам гапни айтиши керак-ку! Шу маънода, ҳақиқий адабиётшунос, унинг илмга йўрилган ҳаққоний баҳоси матбуот учун, жамоатчилик учун айна кунларда сув ва ҳаводек зарур.

Қозоқбой Йўлдошнинг мен узоқ йиллар мақолалари, китоблари орқали таниб, билиб юрдим. Унинг ҳар бир муносабати адабиёт оламидаги таниш-нотаниш ижодкорларни яхшироқ англаш, ўрганиш учун ўзига хос очкич бўлиб хизмат қилади. Сир эмас, олимнинг баъзи мақолаларини ўқиб, миннатдорлик туйғуларини туйган пайтларим кўп бўлган. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг “Йўлда-

дирман” шеърини кўп бора севиб ўқиганман. Яхши шеър сифатида айрим сатрлари ёд ҳам бўлиб кетганди. Иттифоқо, Қозоқбой Йўлдошнинг шу асар ҳақидаги шарҳи билан танишиб қолдим. Бир зумда менга кадрдон шеър ўзгача мазмун-моҳияти билан янада кўпроқ салобат ва виқор касб этди. Энди у фақат ички туйғуларга бой қаҳрамон муҳаббатининг алами ва армонга фарқ суратигина эмас, балки инсон руҳиятининг чўнг билимдони яратган ноёб санъат асари сифатида ҳам бўй кўрсатиб турарди. Шунда шарҳ муаллифининг ҳаёлот дунёси нақадар чексизлигига тан берганман.

Мен Қозоқбой Йўлдошнинг инсон томир уришини эшитиб-билиб, сўнгра ташхис қўядиган табиғатга ҳам ўшаштаман. Қизиқ-да, табиғат тана аъзоларини, уларнинг фаолияти, ҳолатини унинг соҳибидан кўра яхшироқ билади. Худди шундай Қозоқбой Йўлдош ҳам табиғат — фақат адабиёт дардига дармон бўладиган ташхислар устаси. Олимнинг қатор тадқиқотлари билан яқиндан танишиб, у ўзи ўрганаётган асарни муаллифдан кўра яхшироқ, тереңроқ англашини ҳис этдим. Ҳавасим келди, ҳурматим чандон ошди.

Кўп олимларни биламиз — ёзганида дуруст, лекин икки оғиз сўз айтишга келганда, каловлиниб қолади: “Нега оғоҳлантирмай сўз берасан? Жиндай тайёргарлик кўришим керак эди... Мени шарманда қилмоқчи бўлдингми? Кўрсатиб қўяман...” Йўқ, Қозоқбой ака бундай давраларнинг тасодифий иштирокчиси эмас. Ҳамиша ўз фикрига, ўз сўзига эга. Мабодо, эҳти-

ёж тугилиб, у кишига сўз берган бўлсам, албатта, ишончимни оқлаганлар. Айрим ҳолларда мунозаралар бир-икки соат чўзилиб, суҳбат чўғи совуб бораётган бўлса, Қозоқбой ака дарров ўзининг факулдада фикр-мулоҳазалари билан даврани кўрлантириб юборарди. Ҳеч қачон, “Нега оғоҳлантирмадинг, алоҳида тайёрланишим керак эди”, деб юракни сикмаган. Матбуотда ҳам, анжуманларда ҳам ҳаммиша энг керакли, энг долзарб фикрни айта оладиган олимнинг бундай ҳозиржавоблигига ажабланмасак ҳам бўлади. Унинг турган-битгани шу: қозонда борки, чўмичга чиқади!

Бир-икки мулоқотда бўлган билан барибир бирорини тўлиқ ўргандим, деб бўлмас экан. Қолаверса, у одам яна машҳур олим бўлса! Олим дегани, бу — олам дегани эмасми? Тақдир насиб экан, Қозоқбой Йўлдош билан Қашқадарё, Тошкент, Сирдарё вилоятларида сафардош бўлдим. Кўпича урф бўлиб қолган: ким сафардан қайтса, “Йўлда роса хорибман: бир-икки кун дам олиб чарчоқбосди қилдим”, деб юради. Ҳаққон билан мен, чичги, роса мириқдим. Йўлдошнинг яхши бўлса, йўл ва тадбир машаққатлари ҳам билинмас экан. Бу сафарларда омадим чопгани: менга йўлдош — Қозоқбой Йўлдош эди. Аввало, Қозоқбой ақанинг жойлардаги мавжуд шарт-шароитга индамасдан қўниб, ишга киришиб кетавериши у кишининг ниҳоятда кенгфелълигидан далолат беради. Кейин худда-беҳуда гапларга аралашмасдан, фақат сўралганда, ўрни келганда қисқа ва лўнда маъруза қилишлари ҳаммага бирдек

маъқул келади. Мен эса, юқорида айтганимдек, устоз олимнинг содда ўй-хаёлларидан, ҳаётий мулоҳазалари-ю адабий мунозараларидан мириқдим. Ҳалики содиқ, камтар-камсуқум, баландпарвоз шiorларни ёқтирмайдиган, ҳақиқий ватанпарвар Қозоқбой Йўлдошнинг кашф этдим.

Бир гал Қозоқбой ақанинг, “Нега баъзида ўзингиз билиб туриб, ўртамиёна, ҳаваскор ижодкорларнинг ҳам бошини силайсиз?” деб дангал сўрадим. Бундай дейишимнинг боиси, Ушмада ўтган анжуманларнинг бирида савияси жуда паст, лекин даввоси анчагина баланд шеърбоз кимсангиз “янги асари” муҳокамасида, иштирокчиларнинг деярли барчаси унга салбий баҳо берди. Шунда ҳаммани хайратга солиб Қозоқбой Йўлдош ҳалиги кимсани ноқулай вазиятдан қутқарди-қўйди. Уста барибир уста экан-да. Бир қоп курмакдан бир неча гуруч топган каби даввогар шiorнинг муҳокама қилинаётган асаридан бир-иккита пичоққа илланадиган сатрларини ўзига хос оҳангда ўқиб берди ва танқидларни бироз юмшатиб, Ушанда Қозоқбой ақанинг шу чиқиши менга ёқмаган эди. Устоз саволимга жавоб беришдан олдин гап ким ҳақида эканлигини сўраб олди. Кейин эса самимий кулимсираб сўз бошлади:

— Уша йигитни озми-кўпми биламан. Уша кўни кўз олдимда жуда изза бўлди бечора. Раҳимим келди. Кейин муҳокамага ўзи атайлаб қақирганди. Хуллас, гапирмасам бўлмасди...

Гап келганда отасиниям аямайдиган чўрткесар, адабиёт тақдир учун муросанима эканини билмайдиган ўжар, кўплар наздида шайқатсиз танқидчи Қозоқбой Йўлдош ўз ўрнида болаларча содда, бағрикенг, куюнчақ одам.

Дарҳақиқат, мардлик, тантилиқ Қозоқбой Йўлдошнинг суратида ҳам, сийратида ҳам бор. У таши бошқа, ичи бошқачаларга сира тоқат қилолмайди. Аёнки, ҳар бир соҳада янгиликни

қабул қилиш бироз қийин кечади. Бундан адабиёт ҳам мустасно эмас. Баъзан касбим таъзозси билан шундай янгилик — эксперимент асарлар қўлимга тушиб қолади. Лекин уларни да б д у р у с т д а н эълон қилиш таҳририятга ҳам, муаллифга ҳам қимматга тушиши мумкин. Бундай пайта, албатта, турли “ҳимоя чоралари”ни топиб

қабул қилиш бироз қийин кечади. Бундан адабиёт ҳам мустасно эмас. Баъзан касбим таъзозси билан шундай янгилик — эксперимент асарлар қўлимга тушиб қолади. Лекин уларни да б д у р у с т д а н эълон қилиш таҳририятга ҳам, муаллифга ҳам қимматга тушиши мумкин. Бундай пайта, албатта, турли “ҳимоя чоралари”ни топиб

Ишон аслида мўъжиза. Лекин аҳли башар бунга ҳамма вақт ҳам тан олавермаган. Бугунги глобализм асрида у инчунун назардан четда қолмоқда. Ваҳоланки, дунёни таниш инсонни, ўзлики англашдан бошланади. Устоз Қозоқбой Йўлдош ана шу азалий жумбоқ ечимини излаётган, бу йўлда турмушининг майда ташвишлари, икки-чичкирларидан баланд туриб, кенг тафаккур уммонидида кулоҳ отаётган олимларимиздан бири, деб ўқийман. Айнан пайта менинг кўнглимда бунга кўплар ўзининг фаромушлиги боис, Қозоқбой ақанинг ўзи эса ниҳоятда камсуқумлигидан билавермас керак, деган иштибоҳ ҳам йўқ эмас...

Сирожиддин РАУФ, “Шарқ юлдузи” журнали бosh муҳаррири.

Усмон АЗИМ,  
Ўзбекистон халқ шоири:

# Мени мутолаа улфайтирган

(Бошланиши ўтган сонда.)

Аммо нима иш қилмайин, барибир ҳаёлимда китоб...

Бу орада, қутилмаганда, менинг китоб ўқишимга яна бир тўсиқ пайдо бўлади. Бу муаммони ҳовлимизга ўзларининг уйдан ҳам кўпроқ кириб-чиқадиган ҳамсоҳ-қариндош аёллар олиб келишади.

— Усмон қани? — деб сўраб қолади улардан бири.

— Китоб ўқиётгандир-да, — дейди онам бу мавзуда гапиришни негадир хушламай.

— Вой, худой кўрсатмасин! Ҳозир ҳам ўқиётганими? — дейди иккинчиси. — Эрталаб келганимда, уйга кириб кетган эди, ҳали ҳам чиқгани йўқми?

— Йўқ, — дейди онам гапни қисқа қилишга уриниб.

— Озроқ ўқисин-э, — дейди, ўзи айтаётган гапдан ўзи ваҳимага тушиб яна бир ҳамсоҳ. — Жинни-пинни бўлиб қолмасин!

— Ҳадеб китобдан бош кўтармасан, мияси айниди-да! — дейди гап бошлаган аёл.

Бу энди аниқ тахсис. Аёллар гурунги ҳувалиб, бирпасда мени унуттишади.

Бироқ онам унутмайди.

— Болам, кўп ўқимагин... — дейди у киши менга ачиниб.

Аммо мен китобдан бош кўтармайман.

— Э, сал дам олиб ўқи-э, — дейди онам ниҳоят аччиғи чиқиб.

Лекин менга ҳеч гап қор қилмайди.

Фақат онам энди аёлларнинг ваҳима гапларига муҳокамага ўрин қолдирмайдиган тарзда жавоб берадиган бўлди:

— Ўқийверсин-чи? Худонинг айтгани бўлар...

Қўлимга тушган китобни ўқийман. Қайси бир китоб қаерда дуч келмасин, дарҳол ўқишга тутинман. Отам ва акамнинг дарслик китобларини; муаллим тоғамлар олиб келадиган газета-журналларни...

Газета-журналлар нима деб ёса — ишонман.

Бир пайт келиб, коммунизм қурилиши эълон қилиб қолинди. Бахтиёрликлар ичларига сиймай, бор вужудлари кулгига тўлган болаларнинг суратлари.

"Бу болалар Коммунизмда яшайди!" деган тагсўзлар билан газеталарга чоп этила бошлади. Улар жуда чиройли кийинган, топ-тоза галстуклар, чиройли портфеллар... Бизда эса...

Мен атрофга қарайман.

Синфдошларимнинг оёғида эски-туски пойабзаллар, устимизда ямқоқ солинган қачонги чопон, қўлимизда дағал матодан оналаримиз тикиб берган "сўмка". Қизлар қишининг совуғида бир кўйлақда дийдираб мактабга келади. Қунлар исиши билан оёқяланг юришга ўтиб оламиз...

Ўрагим сиклади.


Коммунизм тезроқ келишини истайман.

Мен съездларда қандай масалалар қўйилган, қимлар сўзга чиққан, ким мақталган, ким танқид қилинган — ҳаммасини биламан. Республикадаги ҳамма министрлар, областлар ва районлар раҳбарларини, колхоз ва совхозларнинг кўпчилик бошлиқларини номма-ном санай оламан. Республикадаги машҳур одамларнинг — механизаторларнинг, чорвадорларнинг, пахтакорларнинг, қурувчиларнинг, чўлуқларнинг... — коммунистик меҳнат илғорларининг исми-фамилиялари ҳам ёдимда.

Бичков деган ўрис муаллим бор эди.

У мени саволга тутишни яхши кўрарди. У ўрисчалаб гапирар, мен унинг нима дегганини фаҳмлаб, жавоб берадим.

"Канада коммунистик партиясининг раиси ким?" "Уильям Каштан". "Индонезия президенти ким?" "Доктор Сукарно"... У ҳар бир жавобимдан қувонар, мени



ўзича нималардир деб мақтаган бўлар эди.

Бир ёзининг иссиғида у туман марказидан ҳовлимизга анча йўлни босиб келди. Домланинг Бойсунда ишлаш мuddати тугаб, Россияга қайтиб кетаётган экан.

Мен билан хайрлашгани келибди.

Домла менга ўқишим кераклигини қайта-қайта тайинлади.

— Большим человеком будешь, — деди у.

Бу жуда таъсирли эди. Онам кўзига ёш олди.

Йилгамай бўладими? Чунки бечорачилик, ночорлик одамларга бўридай ёпишиб олган, унинг чангалидан қутулиш қийин эди.

Аммо одамлар бу қисмат билан курашишга ўрганган, унинг кўзини шамғалат этиб, тинмай тақдирларини ўнглаш, "одам бўлишга" уринишарди.

Менинг олти тоғам бўлган. Тўнғичи урушда вафот этган. Катта икки тоғам институтни битириб, муаллимлик қилади. Бошқа тоғаларим, отам, акам, аммаклар бўлалар — жуда катта оила — ўқишга бел боғлаб киришган: ўқиш — бу ночорликдан чиқиб кетиладиган ягона йўлда эди.

Шунинг учунми, ўрис домла каби кўплар менинг берилиб ўқишимни ёқлар, онамга "тегинманг" деб тайинлар — "одам" бўлишим мумкинлигини башорат қилар — негадир қатъий ишонч билдиришарди.

Бу ишонч эса елкамга жуда залворли бир юк бўлиб тушади. Мен одам бўлиш қийин эканини ҳис қиламан. Бойсунни ўраб турган тоғлардан наридаги эшитганим, ўқиганим дунёлар билан учрашмоқ жуда мушкул кечилишини англайман.

Чунки бобом ўқишга кетаётган ўғлига: "Тошкент — ота-онанг эмас. Эҳтиёт бўл!" дегани эсимда.

Ўзга дунёлар билан учрашиш учун ўқиб-ўрганмоқдан бошқа ҳам нималардир керак эканини элас-элас англайман.

Аммо менга фақат китоб ўқишининг ўзи қизиқ эди.

Мен ўқиганим сари атрофимдаги одамлар, теварақда кечаётган воқеалар ўзгача бир суратда кўрина бошлаганини ҳис қиламан.

Хатто ўзим ҳам ўзимга бошқача кўрина бошлайман.

Фақат эрталоқ катта бўлишни, китоб қахрамонларидай мард, ботир, ҳалол одам бўлишни — ҳеч кимга, хатто ўзимга ҳам билдирмай — орзу қиламан.

Ҳа, хатто ўзимга ҳам билдиргим келмайди.

Чунки бундай эмин-эркин орзу қилишга атрофдаги ҳаёт — одам-

ларнинг яшаш учун қумолидай бетиним қилган меҳнатлари туфайли зўрғагина нафас олиб турган турмушнинг зўриқиши йўл қўймас эди.

Уруш фожиялари тобора олислаб кетаётган бўлса ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳозир ҳам оёғи яланг, чопони минг ямқоқ эди. Бу ночорлик, хатто орзулашишга ҳам ҳалақит беради.

Мен жуда инжиқ, сиркаси сув кўтармайдиган бола эдим. Катталарнинг шўхроқлари тегажоқлик қилишар, уларнинг бу ҳазил-хузуллари жонимга теккач, охири қулқни қоматга келтириб, чапачисига сўқинар эдим.

Қишлоқнинг содда одамлари эса менинг бу беадабликларимдан негадир роҳат қилиб қулишарди.

Аммо китоб билан мулоқот, ундан туғилган ўю ҳаёллар мени тамоман ўзгарта бошлайди.

Бир кун аёл қариндошларимиздан бири менга қараб туради-да, ажиб бир тарзда ҳайрон қолади:

— Вой, мана бу ўзгарибди! Оғиргина бўп қолибди-я! Бекорга китоб ўқимаётган экан-да!

Айвонда ўтирган, ҳовлида ивирсиниб юрган барча менга ўғирлиб қарайди.

Мен индамайман.

Қўлимдаги китобни бир четга қўйиб, сигирларнинг тагини тозаллагани оғилхонага кириб кетаман.

Шундан кейин менга негадир жигимга тегадиган ҳазиллар каямади.

Бировларни вақт улфайтиради.

Мени, назаримда, мутолаа улфайтирган эди.

Болалик — дунёнинг ва одамларнинг номукамаллиги жуда аниқ ҳис қилади.

Университетга ўқишга кириш учун Эркин Аъзам билан имтиҳон топшириб юрган пайтларимиз.

У кезлар ҳозирги Амир Темир хиббондаги Юридика институтининг бинолари Тошкент давлат университетига тегишли ва бу ерда биз талабаси бўлишни орзу қилганимиз — ўша йил илк бор факультет мақомини олган журналистиканинг ўқув хоналари жойлашган эди.

Қабул комиссияси атрофида изғиб юрган пайтимизда Бойсундан Рўзбой Маликов деган муаллим келиб қолди.

Рўзбой ака биздан ўн беш ёшлар катта — чарақлаган одам. Бизни ўздан кичик деб ўйламас, ўқувчилик пайтимиздаёқ, бошқа мактабда дарс берсалар ҳам, кўрган жойида бир далил хушфёғликда ҳол-аҳвол сўрадилар.

У кишининг ўсмирлиги Бойсун-

даги болалар уйида ўтган. Айтишларича, бу даргоҳда тарбия топиб, "одам" бўлиб қолганларга бош-қош — собиқ тарбиячилардан ойма-ой сармоя йиғиб, "дет-дом"чиларнинг уйланадиганининг ўқишига кўмак берадиган шу домла экан. Ҳисса кўшишдан бош тортиб, қашанглик қиладиганларнинг жазосини бериш ҳам қўлидан келар экан.

Биз домла билан университет биноси олдида учрашиб қолдик. Домла ўша — одатий хушфёғликда, юзу кўзи самимий табассумдан ёришиб, имтиҳонларни қандай топшираётганимиз, қаерда яшаётганимизни суриштирди, жиддий синовлар олдида ҳадиксираб турган кўнглимизга далда берган бўлди. Сўнг оддийгина сўраб қолди:

— Шукруни кўрдиларингми? Биз гап ким ҳақида кетаётганини сезиб турган бўлсак ҳам, барибир саволни тушунмагандай анграйиб қолдик. Ахир, у одамнинг исми, назаримизда, бундай оддийгина тарзда айтилмаслиги керак эди-да. Савол ҳам негадир ножоиздек туюлди бизга. Ахир, уни қандай қилиб кўрамоқчи? Одам қуригандай, бизга дуч келиб қоладими? Наҳотки, у ҳам эл қатори мана шу чанг кўчаларни босиб юрса? Наҳотки, у етти қават фалақда эмас, Тошкентда — яқинда "шўлп" этиб туриб, қозонида қайнай бошлаганимиз мана шу гулгулада яшаса?..

Гарчи бундай эмаслигини ҳис қилиб турсак ҳам, барибир у одам билан учрашувни тасаввур қила олмас эдик.

Ахир, гап кимсан Шукур Холмирзаев — ёзувчи Шукур Холмирзаев ҳақида кетаётган эди-да!

Бу гапларим тушунарли бўлиши учун Эркин ва менинг адабиётни қандай мақомда яхши кўришимизни ва шу туфайли, шоиру ёзувчиларга бўлган чексиз ҳурматимизни мухтасар айтиб ўтишимга тўғри келади.

Кўни кеча вилоят газетасида илк шеърим босилган, шеърнинг тағида эса қайси мактабда ўқишим ҳам ёзиб қўйилган, натижада, бирпасда мактаб микёсидаги машҳур ўқувчилардан бирига айланган эдим.

Ростини айтсам, биринчи шеъринг чоп этилганда, чиндан бахтиёр бўлсан. Ногоҳ мўъжиза рўй берганини — олисларда шарпадай элас-эласликда юрган тақдиринг, рўпаранга келиб, сенга қулибгина қараб турганини ҳис қилсан. Аллакандай туманли тушларга ўшган орзу-умидлар йўли аввалгидан кўра ёрқинроқ қури-наётгандай туюлди тасаввурингда. Сен бу йўлнинг машаққатларини аниқ тушунмасанг-да, қаёққа кетиш кераклигини; болалигинда бўён шеър пичирлатиб, ханузгача жону жаҳонингни ўртаб юрган куч қаёққа бошлаётганини фаҳмлаганга ўхшайсан. Энг муҳими, энди бу кунинг қароғида "жон-жон" деб яшаши мингдан-минг рози эканингни англайсан.

Ана шундай галати кайфиятга кўмилиб яшаётган қунларимда, дафъатан Эркин пайдо бўлди.

Мен Эркинни узоқдан кўриб юрган бўлсам ҳам, у билан саккизинчи синфни битириш арафасидагина танишганман. Математикадан имтиҳонга тайёрланиш баҳонасида синфдошимиз Тилло Тошнинг уйига борганимизда, Эркин кўшни сифатида сўхбатга чиққан ва бир дам қуюқ гурунглашган эдик. Аммо гап адабиётдан айланган. Эркиннинг кейинчалик айтишича, синфдошларим мени "математикани зўр билди" деб таништиришган экан.

У билан қайта танишувимиз эса келгуси йилнинг апрель ойларига кечди.

Мактаб ҳовлисидида спорт майдонидида, тўп тепишдан чарчаб, бироз тин олиб турсам, Эркин велосипедда келиб қолди. У велигини тўғри ёнимда тўхтатди-да, менга қулиб қаради. Қаердандир қўлида газета пайдо бўлди. О! Газетани шу заҳотиёқ танидим! Нега танимай? Унда шеърим чиққан-ку!

— Бу шеърни сиз ёзганмисиз? — деди газетага имо қилиб. Мен тасдиқладим. Кўришдик...

...ва назаримда, ўша заҳотиёқ дўстлашдик.

Бу ўсмир — Эркин — бўлгуси машҳур адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси ёзувчи Эркин Аъзам эди.

Давоми бор.

## Эътибор

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангдошлардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган момоларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш юртимизда қутлуг аънамага айланди. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари моддий ва маънавий рағбатлантирилиб келинмоқда. Хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам кўрсатилаяпти.

## Тинчликдан буюк неъмат йўқ



Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 апрелда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, дастур ишлаб чиқилди.

Дастурда "Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шiorлари остида тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини тасминлаш назарда тутилган.

Уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони имзоланди.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунини олдидан мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги институтида бир қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

Институт жамоаси "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг барча туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота ва Янгийўл туманларида яшовчи жами 76 нафар уруш қатнашчиси ва фронт орти меҳнат фахрийларини байрам билан табриқлаб, уларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож яққал ёлғиз фахрийларнинг хонадонларида ҳашар уюштирилиб, гуллар ўтказилди, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Байрам арафасида хонадонимизга ёнгин хавфсизлиги институтидан ташриф буюрган бир гуруҳ офицер ва курсантларни кўриб, гоят қувондим, — дейди Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги "Намуна" маҳалласида яшовчи уруш қатнашчиси Камол ота Риҳсобиёв. — Аввало байрам билан табриқлашди, сўнг ҳовлимизга турли мева, манзарали

дарахт, гул ва сабзавот кўчатларини ўтказишди. Бу йил 93 баҳорни қарши олдим. 27 набаира, 41 чевара, 2 нафар эварани қанотимга олиб, уруш даври воқеаларини гапириб бераман. Бугунги жаннатмадон юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишлари учун дуо қиламан...

Уруш фахрийларининг ҳар биридан маълум кунлар хотироти бор, лекин уларга бўлган эътибордан, иззат-икромдан кўзлари қувониб, ўз таассуротларини сўзлаб беришди.

— Мен бу йил 92 ёшни қарши оламан, — дейди Тошкент шаҳар Яшнобод туманида истиқомат қилувчи уруш қатнашчиси Зинаида Қислякова. — Урушда беш марта оғир жароҳат олганман. Қайтган, турли соҳаларда ишладим. Шукри, буғун бир этак фарзанду набираларим бор. Урушда ортирилган жароҳатлар битиб кетди, аммо унинг дахшатли хотиралари ҳамон қалбимизни тирнайди, кўнглимизга оғриқ солади. У кунларни эслаш оғир.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани "Дилобад" маҳалласида яшовчи фронт орти меҳнат қатнашчиси Галина Куценко ҳам ташрифимиздан мамнун бўлди:

— Умримнинг энг навқирон чоғи уруш деб атаганим оғат даврига тўғри келди, — дейди онахон. — Очиғи, ўша совуқ кунларни эслагим келмайди. Инсон учун тинчлик ва тотувликдан кўра буюкроқ неъмат йўқ. Яратганга беҳисоб шукр, мамлакатимиз мустақиллигини ҳам кўриш насиб этди. Сизларнинг самимий улашаётган меҳр-муруватларингиздан, мен ҳам кескаларга эътиборингиздан хурсандман. Сиздек забардаст ўғлонларимиз юртни обод қилади, энди оғир кунлар ортда қолди...

Шерали АНВАРОВ, Фарҳоджон ХОЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгин хавфсизлиги институти ходимлари.

## Тафаккур

Сирни уч киши сақлаши мумкин, агар...

Сукот — ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган, ишончли дўст.

Кунфуший, қадимги хитойлик донишманд.

Уйласани ёки уйланмайсани — барибир, пушаймон бўласан.

Сукрот, қадимги юнон филолуфуси.

Нимани эслашни хоҳламасан, шуну ишута олмайман.

Цицерон, қадимги римлик сиёсий арбоб.

Сирни уч киши сақлаши мумкин, агар улардан иккитаси бандалиқни бажо келтирган бўлса.

Бенжамин Франклин, америкалик давлат арбоби.

Бегона аёлни севмоқ — саримсоқ емоқнинг ўзи. Буни ҳар қанча беркитганинга қарамай, охир-оқибатда, хиди билинади.

Кабир, хиндистонлик донишманд.

Ислол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Мадалилов Абдулхайта тегишли бўлган 51 М-17 рақамли рейтинг лафтарчаси ва 0515 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**HURRIYAT**  
Муассис:  
Ўзбекистон  
Журналистлари  
ижодий уюшмаси

**Бош муҳаррир**  
**Абдураул ЖУМАҚУЛОВ**  
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.  
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.  
Баҳоси келишилган нарҳда

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.  
Адади: 2800  
Буюртма — V-3381  
1 2 3 4 5  
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (0-371) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими:  
(0-371) 244-32-88  
Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233  
Топшириш вақти — 20<sup>00</sup>  
Топшириш — 20<sup>00</sup>

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайн А.Содиқов томонидан соҳифаланди.  
Навбатчи: Ш.Шоҳидоев, Мусахҳиж; Ш.Убайдуллоев.  
"O'zbekiston" НМИУ Босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.